O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI KONGRESS PALATASI INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 8 сентябрь ЧОРШАНБА

№ 71 (12.291)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

«ДЎППИ ТИКДИМ ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН»

– Дунёда ўзбек халқининг дўпписи-ю, беқасам тўни, атласу адрас кўйлагидек қадрли ва ардоқли либос бўлмаса керак, – дердилар онам. – Ана, ишонмасанг, ўзинг қара, ҳар бир хориж киноси, кўрсатувларида дўппию беқасам тўнли ўзбекни кўрсатишмаса, кўнгиллари ўрнига тушмайди. Бу ҳар ерда "Ўзбекнинг ўз ўрни бор" дегани, болам. Шунинг учун ёш келин-куёвлар, айниқса, келинлар сепини атлас кўйлак ва дўпписиз тасаввур этиш қийин...

Халқимизнинг бой тарихи, бетакрор маънавий қадриятлари акс этиб турадиган турмуш тарзи, удум ва анъаналари мустақиллик йилларида ўзгача мазмун-маъно касб этаётганлиги, йиллар қатидаги чангу ғуборлардан ҳоли бўлиб, қайта жилоланаётганлиги эътибор ва эътирофга лойиқ. Хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилигини ривожлантириш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликлар йилдан-йилга ўз самарасини кўрсатмоқда. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасидаги тадбирлар бу самаранинг туп қўйиб, палак ёзишига, фаровон турмуш, тинч-осуда ҳаётимиздаги салмоғини оширишга хизмат қилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирлардан бири "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан..." анъанавий кўрик-танлови халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилигининг гўзал, беқиёс турларидан бўлган каштачилик-дўппидўзлик касбини улуғлаб келаётган янги-янги номларни, ўз ҳунарини ёш авлодга сидқидилдан ўргатаётган чевар устозу оқибатли шогирдларни кашф этди. Танловнинг шаҳар, туман ва ҳудудий босқичларида фаол қатнашиб, вилоят босқичига етиб келган моҳир дўппидўз ва каштадўзлар, устоз ва шогирдларнинг чиқишлари аввало заҳматкаш ҳунармандларга, қолаверса, миллий либосларимизга бўлган қизиқиш, ҳурмат-эътибор, меҳр-муҳаббат туйғуларини янада мустаҳкамлади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2010 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 10 сентябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2010 йил 10 сентябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2010 йил 7 сентябрь.

КЕЛАЖАК ОВОЗИ – 2010

ИСТЕЪДОДГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Мамлакатимизда ёш авлодни чинакам баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш, истеъдодли ёшларни аниқлаш, уларга ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш алоҳида устуворлик касб этмоқда. Шу сабабли ҳам бугун бу эзгу мақсадга қаратилган қатор ижтимоий лойиҳалар барча ҳудудларда эртамиз давомчиларини кенгроқ қамраб олмоқда.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этаётган "Келажак овози-2010" кўрик-танлови ҳам фикримизга далил бўла олади.

Мазкур кўрик-танловнинг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросимини ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг навбатдаги йиғилишида мазкур тадбирни ҳар томонлама юксак тайёргарлик билан, иштирокчилар ёдида узоқ вақт сақланиб қоладиган даражада ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар ижроси бўйича мутасаддиларнинг ахбороти тингланди. Хусусан, маросимни шу йил 15 сентябрь куни Тошкент давлат аграр университетида ўтказиш ҳақидаги таклиф маъқулланди.

Шунингдек, бир вақтнинг ўзида университет ҳудудида ёшлар учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ташкил этиладиган бўлди.

Гайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАФТАЛИГИ: СТРАТЕГИЯ ВА РИВОЖЛАНИШ

Мамлакатимизда ҳар йили сентябрь ойининг охирида "Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги – INFOCOM" бўлиб ўтади. Ҳафталик доирасида соҳани ривожлантиришга қаратилган ҳамда мутахассислар ва кўп сонли АКТдан фойдаланувчилар учун бирдек қизиқарли қатор тадбирлар ташкил этилади.

Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича миллий саммит – АКТ-2010 "Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги – INFOCOM-2010" доирасидаги муҳим тадбирлардан биридир.

Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича саккизинчи миллий саммит Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига мамлакат ривожланиши учун ахборот-коммуникация технологиялари сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда кўмаклашиш" лойиҳаси (ICTP), Ўзбекистонда IT-компаниялар ва ташкилотлар уюшмаси томонидан ташкил этилади.

Пойтахтимизда саккизинчи маротаба ўтказиладиган АКТ-саммитида ҳар йили Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлардан қарийб 400 нафар делегат иштирок этади. Улар форумда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги сўнгги ютуқ ва ишланмаларни муҳокама қилади.

XXI асрда ахборот-коммуникация технологиялари кириб бормаган соҳани тасаввур қилиш қийин. Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури бунга яққол мисолдир. Мазкур дастурнинг амалиётга татбиқ этилиши Ўзбекистонда ахборот маконини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Халқаро аҳамият касб этган мазкур саммит ҳам миллий экспертлар, ҳам хорижий мутахассислар эътиборини кенг жалб этиб келмоқда. Дастлабки АКТ-саммитлари ўтказилган йилларида 200 делегат иштирок этган бўлса, бугунги кунда қатнашчилар сони икки баробар кўпайди. Айни пайтда, тадбирда иштирок этадиган мамлакатлар географияси ҳам кенгайди. Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Литва, Нидерландия, Россия, АҚШ, Финляндия, Чехия, Япония каби мамлакатлар шулар жумласидандир.

АКТ-саммити давлат органлари, халқаро ташкилотлар мутахассисларига АКТ бозорини таҳлил қилиш, соҳадаги ютуқлар билан танишиш, янги барқарор ва ишончли шериклар топиш, Ўзбекистон Республикасига АКТни янада кенг жорий қилишда қўшимча сармоя ресурсларини жалб қилиш имконини беради. Соҳани ривожлантиришда фикрлар, иловалар, янги ғоя ва истиқболларни муҳокама қилиш учун кенг имкониятлар яратадиган АКТ-саммити АКТ ҳафталигининг ўзига хос интеллектуал қисми ҳисобланади. Ҳафталикнинг амалий қисмида эса АКТ-саммитидан кейин ўтказиладиган ICTExpo-2010 кўргазмаси ташкил этилади.

АКТ-саммити 21 сентябрь куни Тошкентдаги Халқаро бизнес-марказида бўлиб ўтади. Унда Ҳиндистон, Испания, Исроил, Жанубий Корея, Россия, АҚШ, Туркия, Чехия каби мамлакатлар ҳамда ахборот технологиялари бозорининг муҳим иштирокчиларидан бири бўлган Ўзбекистондан қарийб 350 делегат иштирок этади.

Саммит иши стратегия ва ривожланиш, технологиялар ва инфратузилма, иловалар ва қарорлар бўйича уч мавзуга оид йўналишда бўлиб ўтади. Форум доирасида АКТни ривожлантиришда миллий дастурларни жорий қилиш ютуқлари ва муаммолари, жамиятнинг айрим соҳаларига ахборот технологияларини жорий қилиш тажрибаси, электрон бошқарув, электрон соғлиқни сақлаш, инфратузилмани ривожлантириш, медиа бизнес ва инновация фаолиятни ривожлантириш соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва бошқа долзарб мавзуларга бағишланган элликка яқин маъруза тақдим этилади.

Саммит иштирокчилари томонидан муҳокама ва баҳслар асосида тавсиялар ишлаб чиқилиб, келгуси фаолият учун ўзига хос дастуриламал вазифасини ўтайдиган резолюция қабул қилинади. Шунингдек, саммит якунлари бўйича барча маъруза ва материалларни ўз ичига олган CD-дисклар тайёрланади. Материаллар http://summit.ictp.uz манзилида электрон кўринишда барча фойдаланувчиларга тақдим этилади. Ушбу сайтда шунингдек, олдинги йиллардаги форум материаллари билан ҳам танишиш мумкин.

В. НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» – СИЗНИНГ ҚЎМАКДОШИНГИЗ

МУАММО БЎЛСА, МУРОЖААТ ҚИЛАВЕРИНГ

Ангренлик Райҳон Абдувоитова 20-умумтаълим мактабида ишлайди. Унга касаллик варақасига асосан 1 миллион 448 минг сўм ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланмаётганди. Турмуш ўртоғи Асилбек Абдувоитов билан қандай қилиб бу пулни олишни ҳам, қайси ташкилотга мурожаат қилишни ҳам билмай, бошлари қотиб юрганди. Шу вақтда Асилбек Молия вазирлигининг вилоятдаги назорат-тафтиш бошқармасида "Ишонч телефони" ташкил этилгани ҳамда шу каби масалалар бўйича мурожаат қилиш мумкинлиги ҳақида эшитиб қолди. Қўнғироқ қилди. Кўп вақт ўтмай, муаммо ижобий ҳал бўлди. Ўрганишлар чоғида аниқланишича, мактабнинг иш ҳақи фонди харажатлар сметасида маблағлар етишмаслиги, мактаб маъмурияти ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси учун тўловларга талабномани шаҳар молия бўлимига, ўз навбатида бу бўлим ҳам буюртмани вилоят молия бошқармасига кечиктириб тақдим этилганлиги, қолаверса, мактабга маблағ ажратиш билан боғлиқ жараён узоқ давом этиши нафақа тўланишининг кечикишига сабаб бўлган. Ўз ишида хато ва камчиликка йўл қўйгани учун мактабнинг бош ҳисобчиси Б. Ҳатамовага ҳайфсан берилган.

Дарҳақиқат, Молия вазирлигининг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармаларида шу йил март ойидан "Ишонч телефон"лари ташкил этилганди. Ўтган вақт ичида кўплаб фуқаролардан турли саволлар бўйича қўнғироқлар бўлмоқда.

– Шаҳар ва туманлардаги тиббий меҳнат экспертизаси комиссиялари, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳамда ғазначилик бўлинмалари фаолиятида хато ва камчиликлар учраётгани ачинарлидир, – деди Молия вазирлигининг вилоятдаги назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Жалил Ҳайитов. – Шундай пайтларда фуқаролар қайси ташкилотга мурожаат қилишни билмай юришади. Бошқармамизда ташкил этилган "Ишонч телефони" фуқароларнинг муаммоларини тезда ҳал этишга хизмат қилмоқда. Юридик ва жисмоний шахслардан тушаётган ҳар бир мурожаатни автоматлаштирилган ва ўчиб кетишдан ҳимояланган ҳолда ёзиб олиб, уни ўз вақтида ўрганиб, ариза муаллифларига жавоб бериб борилиши қатъий назоратга олинган. Бундан ташқари, юқори ташкилотларга ёзма кўрсатмалар жўнатилмоқда. Ўз ишига совуққонлик билан қараган масъул ходимларга нисбатан чоралар кўрилмоқда.

Иккинчи бир ҳолат. Тошкент шаҳридаги "Лакбўёқчи" масъулияти чекланган жамият ҳамда Тошкент тумани 32-умумтаълим мактаби ўртасида таъмирлаш ва лак-бўёқ хариди юзасидан 3 миллион 660 минг сўмлик шартнома имзоланган. Туман ғазначилик бўлинмаси мактаб тақдим қилган тўлов топшириқномасига кўра "Лакбўёқчи" корхонасига бошланғич тўлов – 550 минг сўмни махсус ҳисоб рақамидан ўтказган. Қолган 3 миллион 110 минг сўм маблағни тўлаш учун топшириқнома туман ғазначилик бўлинмасига тақдим этилган. Лекин бўлинма ходимлари Ш. Шожалилов ва М. Самиғов корхона томонидан расмийлаштирилган ҳужжатдаги директор, бош ҳисобчи ва моддий жавобгар шахсларнинг имзолари қўйиладиган жойга фақат корхона раҳбари У. Неъматхўжаев имзо қўйганлигини, бунга эса, унинг ҳуқуқи йўқлигини айтишиб, маблағ ўтказишни тўхтатиб туришган.

(Давоми 2-бетда).

ЭНГ ЯХШИ ТЕРГОВЧИ

Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан "Энг яхши терговчи ва энг яхши тергов жамоаси" номли спорт мусобақаси ўтказилмоқда.

«Динамо» спорт мажмуасида ўтказилаётган мазкур мусобақада вилоят босқичларида сараланган 45 нафар терговчи иштирок этмоқда. Ходимларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш, малакасини оширишга қаратилган мусобақа асосан тўртта шартдан иборат бўлиб, иштирокчилар жисмоний тайёргарлик, ўқ отиш, тест саволларига жавоб бериш ҳамда ҳакамлар ҳайъати суҳбатидан ўтиши лозим.

Прокуратура соҳасининг ривожига муносиб улуш қўшаётган, республиканинг турли минтақаларида фаолият юритаётган тажрибали, ўз ишининг устаси бўлган терговчилар билан бирга ёш мутахассис кадрлар ҳам мазкур спорт мусобақасида қатнашмоқда.

Терговчилар ўртасидаги мусобақа уч кун давом этади.

Наргиза АСАДОВА, "Туркистон-пресс".

ТАЖРИБА. МУАММО. ЕЧИМ.

МЎЪЖИЗА ЭКИН

Шундай экин турлари борки, улар бошқа экинлар ёки боғдорчилик учун яроқсиз, тошлоқ ва шўр босган ерларда ҳам барқ уриб ўсиб, мўл ҳосил бераверади. Шоли ҳам шундай экин.

Бугунги кунда мамлакатимизда экин майдонларининг 70 фоизида шўрланиш кучайиб бораётгани, шундан 15 фоизга яқини кучли шўрлангани эътиборга олинса, шоличилик истиқболини тасаввур этиш қийин эмас.

Қолаверса, шоли бундай ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, шўрини камайтиради, бир йиллик бегона ўтларни йўқотади. Унинг яна бир муҳим хусусияти шуки, тоза сувни тежайди, яъни бошқа экинлардан чиққан оқава сувлар билан бемалол суғориш мумкин.

– Мамлакатимизда кучли шўрланган 300 минг гектардан ортиқ ташландиқ, экишга яроқсиз ер бор, – дейди Ўзбекистон шоличилик илмий-тадқиқот институти директори, биология фанлари доктори Йўлдошали Саимназаров. – Бу ерлар қайта ўзлаштирилиб, шоли экилса, экологик ҳолат соғломлашиб, қўшимча даромад келади. Вазифа шундай майдонларни аниқлаб, давлат статистика ҳисоботларига киритиш, уларда етиштирилган ҳосилни умумий кўрсаткичлар рўйхатига киритишдан иборат. Бора-бора бу саъй-ҳаракатлар мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, молиявий барқарорликни кучайтиришнинг муҳим тармоғига айланиши муқаррар.

(Давоми 3-бетда).

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

«ДЎППИ ТИКДИМ ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН»

Ҳақиқатан ҳам, вилоят Маънавият тарғибот маркази фойесида ташкил этилган кўргазмадаги миллий либослар, дўппи, беқасаму зарчопонлар кўрган кўзни қувнатади, дилларни яйратади. Олмалиқ, Бекобод, Бўка, Тошкент, Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ, Қибрай туман ва шаҳарларидан келган ҳунармандлар, устозу шогирдларнинг танлов шартлари асосида тайёрлаб келган ҳар бир чиқишлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Уларнинг ҳар бири ўзи тиккан дўппи ёки бошқа миллий кийимларга чуқур ҳурмат ва меҳр билан таъриф берар экан, беихтиёр ҳунармандлар меҳнати, санъатига маҳлиё бўлиб қоласиз.

– Мана бу гиламнусха ироқи дўппининг тикилганига 50 йил бўлди, – дейди қуйичирчиқлик Муҳайё Абдураҳмонова. – Унга катта бувим Фазилатхон момонинг қалб қўри, кўз нури тўкилган. Шунинг учун дўппидаги ҳар бир нақшнинг кўриниши, жилоси ўзгача. Ўзим ҳам 12 ёшимдан бошлаб дўппи тика бошлаганман. Менга дўппидўзлик сирларини онажоним ўргатганлар. Ҳозир туманимиздаги қурилиш коллежининг учинчи босқич талабасиман. Келажакда моҳир дўппидўз, каштадўз бўлиш билан бир қаторда, миллий руҳдаги кошоналар, бинолар тархини чизувчи архитектор-дизайнер бўлсам, – дейман.

– Миллий либосларимизни кийишни яхши кўраман, – дейди Тошкент тумани транспорт ва сервис хизмати коллежи 3-босқич талабаси Маҳлиё Толибова. – Отам – шифокор. Онам – тикувчи. Дўппи ва миллий либосларни тикишни онажонимдан ўрганганман. Инглиз тилига қизиқаман, ҳозир бемалол гаплаша оламан. Мақсадим Жаҳон тиллари университетига кириб ўқиш. Чет элларга борганимда эса миллий либосларимизни кийиб, ўзбек халқининг гўзал, бетакрор ҳунармандлик, тикувчилик санъатини намойиш этишдир.

Танловнинг барча шартларига моҳирона жавоб берилган зукко қатнашчи Маҳлиё Толибованинг ғолибликка муносиб кўрилгани бежиз эмас. У устози Умидахон Шодиевадан ўрганганлари, миллий ҳунармандчилик, дўппидўзлик, каштачиликка бўлган меҳр-муҳаббати, энг қадимги ва замонавий дўппилар, энг қадимги ва ҳозир ҳам ишлатилаётган дўппидўзлик асбоб-ускуналари (дастгоҳ, карчок, патила, чўлка...)ни яхши билиши, турли ёшдагилар учун тикилган турли кийимларга моҳирона таъриф берилганлиги билан томошабинларнинг меҳрини, олқишини қозона олди.

– Халқимизнинг миллий ва маънавий қадриятларига ҳурмат билан қарайдиган, ўзбекона либосларни муҳаббат билан яратиб, фахр ва ғурур билан кийиб юрадиган бугунги ҳар бир иштирокчи таҳсинга лойиқ, – дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Айниқса моҳир, чевар устозлар, зукко шогирдлар муносабатидаги самимийлик, меҳр-оқибат, баркамол авлод тарбияси, келажагига бўлган умид ва ишончни мустаҳкамлайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, танловнинг рағбатлантирувчи мукофотларига сазовор бўлган Қуйичирчиқ, Бекобод, Бўка туманлари, Олмалиқ шаҳри ҳунармандлари, 2–ва 3-ўрин эгалари Ўртачирчиқ ва Қибрай туманининг моҳир дўппидўз ва каштачилари, 1-ўринга муносиб топилган Тошкент тумани чевар, зукко ҳунармандларининг хайрли амаллари мустақиллик шарофати билан яратилаётган имкониятлар туфайли янада кенг қулоч ёзади.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТЛАРДА: нигоҳларда ҳайрат ва ҳавас.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҲАРБИЙЛАРНИНГ УЙ ТЎЙЛАРИ

Чирчиқ гарнизони ҳарбий қисм ва муассасаларида хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга янги уйларнинг калитлари топширилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолини, хусусан, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, замонавий лойиҳалар асосида ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш ва реконструкция қилиш, бундай турараржойларда юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмани яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шарт-шароитларини янада яхшилаш, уй-жой билан таъминлаш йўлида амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ишлар самарасида кўплаб ҳарбийлар ўз турараржойига эга бўлмоқда. Ўтган йиллар мобайнида жойларда кўплаб ҳарбий хизматчиларга янги уйларнинг калитлари топширилгани бунга мисолдир.

Ватан ҳимоячиларини уй-жой билан таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастури доирасида юртимизда замонавий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда, уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш ишлари изчил давом этмоқда. "Улканқурилишмахсуссервис" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан Чирчиқ гарнизони ҳудудида барпо этилган 32 хонадонга мўлжалланган тураржой биносини фойдаланишга топшириш маросимида бу алоҳида таъкидланди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этган тадбирда элу юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилаётган Ватан ҳимоячиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кўлами тобора кенгайиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Уй билан таъминланганлар орасида айни пайтда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида хизмат қилаётган офицер Шоҳруҳ Пирматов ҳам бор.

– Мустақиллик байрами шодиёналари давом этаётган шу кунларда ўз уйимизга эга бўлганимиздан оиламиз жуда хурсанд, – дейди Ш. Пирматов. – Президентимиз томонидан биз, ҳарбийларга қаратилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшади.

Маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар боғчаси, спорт майдончаси, мактаб ва шифохонага яқин жойда қурилган янги уйда ҳарбийларнинг оила аъзолари учун барча қулайликлар яратилган.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

ТАДБИР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Юқоричирчиқ туман кенгаши, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси, савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси ҳамкорлигида мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" мавзусида тадбир ўтказилди.

ФАОЛЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Унда тумандаги корхона, ташкилот раҳбарлари, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида меҳнат қилаётган фаоллар ҳамда депутатлар иштирок этди. Сўзга чиққанлар юртимиздаги улкан ўзгариш ва бунёдкорлик ишлари, ёшларга яратилаётган имкониятлар, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, шарт-шароитлар ҳақида тўхталдилар.

Тадбир сўнгида фаолларга ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

ПЕНСИОНЕРНИНГ МУШКУЛИ ОСОНЛАШДИ

Мамлакатимиз тараққиёт йўлининг бешта устувор тамойилларидан бири кучли ижтимоий муҳофаза ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида аҳолининг ёрдамга муҳтож ҳамда кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, моддий асосларини шакллантиришга жиддий эътибор берилаётгани боис бошқа соҳалар қатори ижтимоий муҳофаза тизими ҳам йил сайин такомиллашиб бормоқда. Охирги йилларда соҳада ўтказилган ислоҳотлар айниқса, нафақага муҳтож ҳамда кексалик гаштини сураётган юртдошларимиз учун катта қулайликлар яратди.

Республика Президентининг "Фуқароларнинг пенсия тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори нафақа тизимида туб бурилиш ясади, десак муболаға бўлмайди. Бу меъёрий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни асосида нафақа тайинлаш ва тўлаш тизимининг моддий-техник базаси яхшиланди, ҳужжатлар юритиш ва аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тартиби янада такомиллашди.

Аввалги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги таркибидаги ижтимоий таъминот тузилмалари ўрнида Молия вазирлиги ҳузурида бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма тўртта манба – ягона ижтимоий тўловларнинг 24,8 фоизи, ходимлар иш ҳақидан мажбурий ажратмалар, хусусий тадбиркорлар тўлайдиган бадаллар ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий тўловлари асосида шакланади.

Жамғарма маблағларининг асосий қисми аввало ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўловлари учун, қолган қисми эса дафн, суюнчи, алимент ва бошқа бир йўла тўловлар, шунингдек, ижтимоий нафақаларга тўланади.

Хўш, шакл-ку, ўзгарди, моҳиятчи? Пенсионер бундан нима ютади?

Яқинда вилоят бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Ангрен шаҳар бўлимида ўтказилган семинар-кенгаш шу каби саволларга ойдинлик киритди.

– Семинарни Ангрен шаҳар бўлимида ўтказишимизнинг ўзига хос сабаблари бор, – дейди вилоят бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бошқармаси бошлиғи Лазиз Йўлдошев. – Бўлим биноси тўла қайта реконструкция қилиниб, бошқа ҳудудий бўлимларимиз учун ибрат бўларли қиёфага келтирилди. Бу ердаги янгича шароит нафақат ходимларимиз, балки нафақахўрлар учун ҳам қулайликлар яратади. Шу билан бирга тизимдаги ўзгаришлардан аҳоли ҳам миннатдор. Айниқса, нафақани белгилаш, ўз вақтида тўлаш жараёни такомиллаштирилди, адолат тамойили устувор этиб қўйилди. Ижтимоий тўловлар учун ажратилган маблағларнинг тезкорлиги таъминланди. Оқибатда давлат маблағи мақсадли сарфланишига, нафақа учун ўтказилган моддий ресурс уч кундан кечиктирмай, 21 та туман ва шаҳар бўлимлари ўртасида тақсимланиб, тўла ўзлаштирилишига эришаяпмиз. Ҳудудий бўлимларимиз пенсия тўлашда сўнгги бўғин бўлган алоқа бўлимлари билан фаолиятини ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда иш олиб бораяпти. Улар билан ўзаро текшириш жадвали тузилиб, шу асосда алоқа бўлимлари иши текшириб борилади ва далолатномалар тузилади. Тўлов якуни бўйича солиштирма далолатномалар тузилиб, қолган маблағ банкга қайтарилмоқда.

Вилоят бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳудудий бўлимлари бошлиқлари қатнашган семинар-кенгашда таъкидланишича, фуқароларга пенсия тайинлаш ва тўлашда белгиланган муддатларга амал қилиш, бу борада ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш жиддий назоратга олинган.

Семинарда Вазирлар Маҳкамасининг "Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида"ги қарорининг ижроси масалага алоҳида тўхталинди. Ногиронликни белгилашда ижтимоий адолат тамойилларига қатъий риоя этилмоқда. Хусусан, тегишли ҳужжатлар тўлиқ рўйхатдан ўтказилиб, ногиронларнинг 71,1 фоизи қайта тиббий назоратдан ўтказилди. Натижада 2292 кишининг ногиронлик гуруҳи пасайтирилиб, қисман реабилитация, ногиронлик бекор қилиниши ва ногиронлик гуруҳи пасайтирилиши натижасида вилоят бўйича 2010 йил якунига қадар 4 миллиард 419 миллион 7 минг сўм давлат маблағи иқтисод қилинадиган бўлди.

Ногиронликни белгилаш учун асоссиз ёки қалбаки тиббий ҳужжатлар тақдим этган соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларига нисбатан жазо чоралари қўлланилди. Ўтган олти ой мобайнида вилоят бўйича 2256 та касаллик тарихидан кўчирмалар текширилганда 358 та ҳолатда хато ва камчиликлар аниқланди. Натижада 18 та ҳолатда айбдорлар жазога тортилди.

Семинар-кенгаш унда қатнашган ҳудудий бўлимлар вакилларининг ўзаро тажриба алмашишлари учун қулай имконият яратиб берди. Пенсия тайинлаш ва тўлашда ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойилларига қатъий риоя этиш, пенсия масаласида мурожаат этувчилар билан хушмуомалада бўлиш, улар орасида мунтазам тушунтириш ишлари олиб боришга алоҳида урғу берилди. Тадбир якунида тизимнинг самарали фаолиятини таъминлашга қаратилган галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Абулфайз САИДАСҚАРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» – СИЗНИНГ КЎМАКДОШИНГИЗ

МУАММО БЎЛСА, МУРОЖААТ ҚИЛАВЕРИНГ

Улар бу ўринда Адлия вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисоб-варақлари тўғрисида"ги йўриқномасини нотўғри талқин қилишганди. Мазкур ҳолат юзасидан корхона ҳисобчиси Елена Сегал "Ишонч телефони"га қўнғироқ қилган.

Ўрганиш жараёнида "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуннинг тегишли моддалари ҳамда корхонада иш жараёнини ташкил қилинишига кўра, раҳбар ходим бош ҳисобчи ва моддий жавобгар шахснинг ўрнига имзо чекиш ҳуқуқига эга эканлиги аниқланган. Шундай қилиб, қолган маблағ ўтказиб берилиши таъминланди. Хато-камчиликларга йўл қўйган бўлинма ходимлари огоҳлантирилди. Ушбу ҳолат сабоқ бўлиши учун бўлинма бошлиғи Б. Абдураҳмоновга ходимларнинг билимини ошириш чораларини кўриб, ғазначилик ишини тўғри ташкил қилиш бўйича тегишли тушунтиришлар ва қатъий кўрсатмалар берилди.

Олмалиқ шаҳар Наследова кўчаси 3-уй 15-хонадонда яшовчи фуқаро Надежда Иванова ҳам бошқарманинг "Ишонч телефони"га қўнғироқ қилишга мажбур бўлди. У собиқ шаҳар ижтимой таъминот бўлимига пенсия тайинлашни сўраб ариза билан мурожаат қилган. Меҳнат дафтарчаси ва илова этилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатларни ҳам тақдим этган. Бўлимнинг масъул ходимлари унинг аризасини ҳеч бир сабабсиз ўз вақтида кўриб чиқишмаган. Жумладан, бўлимнинг пенсия ва нафақа тайинлаш комиссияси қарорига асосан Н. Иванованинг иш фаолияти ва бола парвариши билан шуғулланган даврини текшириш мутахассис М. Ўтаевага топширилган. У аризачининг иш фаолиятини салкам уч ой ўтгандан кейин текшириб, далолатнома расмийлаштирган. Бу ҳам камлик қилганидек, пенсия тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши ҳам туя гўшти егандек, чўзилгандан-чўзилди. Бу орада собиқ шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ўрнида бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси шаҳар бўлими ўз фаолиятини бошлади. Бўлимнинг М. Ўтаева билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги сабабли унинг жавобгарлигидаги барча пенсия ишлари ҳужжатлари мутахассис Ф. Маматовга бириктириб берилган. У мурожаатчининг бола парвариши билан шуғулланган даврини 2010 йил 10 февраль куни такроран текшириб, далолатнома расмийлаштирган бўлса-да, комиссия текшириш тугаган кундан уч ой ўтиб кетгач пенсия тайинланганлиги аниқланди.

Ўтказилган текшириш давомида собиқ Олмалиқ шаҳар ижтимоий таъминот бўлими, амалдаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлими ходимлари томонидан аризани кўриб чиқишда "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги ҳамда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунлар талабларига амал қилинмаганлиги ҳамда фуқаро ҳуқуқларига зиён етказилганлиги аниқланган. Уларга белгиланган тартибда чоралар кўрилди.

Бундан ташқари, Бекобод шаҳридан М. Абдувалиева, Олмалиқ шаҳридан Н. Иванова, Е. Маҳмудова, Пискент туманидан Х. Алданкеев, Зангиота туманидан Х. Мансуров ҳам ўзларини қийнаётган муаммолар бўйича мурожаат қилишган.

– Айрим фуқаролар "Ишонч телефони"га ҳазиллашиб ҳам қўнғироқ қилиб туришади, – дейди оператор Санжар Имомов. – Шундайлардан бири Оққўрғон туманидаги пенсионер А. Назаров. У "пенсиямни ололмаяпман", деб телефон қилган. Бошқармадагилар бориб, текшириша ҳаммаси жойида экан. Мурожаат қилувчидан нега бундай қилганини сўрашганида: "келиш ёки келмаслигингларни бир текшириб кўрмоқчи эдим", деган.

Хуллас, фуқаролар пенсия таъминоти, ғазначилик ва ногиронликни белгилаш каби масалалардаги саволлар ва вужудга келган муаммолар бўйича бошқармада ўрнатилган 200-60-60 телефон рақамига мурожаат қилишлари мумкин. Мурожаатлар "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талабларига кўра, 15 кун ичида кўриб чиқилади. Текшириш талаб этиладиган мурожаатлар эса бир ой муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Хуршида ТУРСУНБОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Пойтахтимизда Ўзбекистон Экологик ҳаракати Ёшлар қанотининг республика конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар, Экоҳаракатнинг ёш фаоллари иштирок этди.

ЭКОЛОГИЯ ВА ЁШЛАР

Давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган "Инсон ва табиат муносабатлари" мавзуидаги давра суҳбати, "Онажоним табиат" иншолар танлови, "Чимён садоси" фестивали каби тадбирлар шулар жумласидандир. Шунингдек, ёшларни кашандалик, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик сингари салбий иллатлардан ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган "Ёшлар гиёҳвандликка қарши" форуми йигит-қизларда катта таассурот қолдирди.

Конференцияда Экоҳаракат Ёшлар қанотининг келгусидаги вазифалари белгилаб олинди.

ЎзА.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

РАҚОБАТНИ ЕНГИШ ОСОН ЭМАС



Хорижликлар ўзбек халқининг қўли гул, деб шунчаки айтишмайди. Мустақиллик йилларида бунёд этилаётган осмонўпар бинолару муҳташам саройларимиз, кўприкларимиз, коллеж ва мактабларимиз ҳамманинг ҳавасини келтиради. Бунёдкорлик соҳаси ривожланаётгани сайин қурилиш маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортиб бораяпти. Натижада уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар кўпаймоқда.

Чиноз туманидаги "Aleya Form" хусусий корхонаси 2009 йилнинг январь ойида ташкил топган. Очилганига кўп вақт бўлмаганига қарамай, анча танилиб қолди. Корхона цехларига Хитойдан қиймати 100 минг АҚШ долларига тенг иккита "Терма пласт автомат" ускунаси олиб келиб ўрнатилган. Ҳозиргача 40 га яқин турдаги йўл қопламалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ўтган йили 12 минг 900 квадрат метр маҳсулотлар ишлаб чиқарилганди. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш туфайли бу йил корхона қуввати 3 баравар ортди. Шу боис 8 ойда бу кўрсаткич 30 минг 400 квадрат метрга етказилди.

Корхона қопламалар ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган цементнинг чидамлилик даражасини ошириб берувчи қўшилмани Россиядан, ранг берувчи қўшилмаларни Хитойдан келтираяпти.

– Тўғри, ҳозир йўл қопламалари ишлаб чиқаришда рақобат кучли, – деди корхона раҳбари Анвар Қорахўжаев. – Уни енгиш ҳамда бозордаги ўрнимизни йўқотмаслик учун, биринчи галда маҳсулотларимизнинг сифатига катта эътибор беряпмиз. Ҳали бирор корхона ишлатмаган янги шакл ва усуллар устида изланиш олиб боряпмиз. Бир хилликдан қочиш ҳаракатидамиз. Шу сабабми, буюртма беришга келган мижозлар маҳсулотларимизнинг қайси бирини танлашни билмай, ўйланиб қолишади. Қолаверса, маҳсулотларимизнинг ўн йилгача ёрилмаслиги, яъни сифати кафолатланган. Ранги ўзгармайди.

Ҳозир корхонада 30 киши меҳнат қилмоқда. Ўртача иш ҳақи 300 минг сўм. Икки маҳал иссиқ овқат берилади. Ҳозирча иш бир сменада бормоқда.

Маҳсулотлар республика бўйлаб тарқатилмоқда. Тошкент шаҳридаги мижозларга қулайлик яратиш учун пойтахтнинг ўзида филиал очилган. Бухоро, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида савдо дўконлари ишлаб турибди.

Тошкент шаҳар Маданий мерос, тарихий, меъморий обидаларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш бош бошқармаси корхонанинг доимий мижозларидан бири. Бошқарма бошлиғи Равшан Мансуровнинг айтишича, тарихий обидаларни таъмирлашда бир-икки марта бошқа корхоналарга буюртма берилган экан. Лекин сифати қониқтирмаган. Шу боис, "Aleya Form" корхонаси билан ҳамкорлик қила бошлашган. Корхона маҳсулотлари Ат-Термизий, Регистон каби обидаларнинг кўркига кўрк қўшиб турибди. Шунингдек, қишлоқ жойларда намунали уй-жойлар қурилишида ҳам шу маҳсулотлардан фойдаланилмоқда.

Хуллас, шундай корхоналар ҳисобига бозорларимизда импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга йўнатирилган маҳсулотлар кўпайиб бораётир.

Ҳуррият МЎМИНОВА.

ТАЖРИБА. МУАММО. ЕЧИМ.

МЎЪЖИЗА ЭКИН

Бизнинг институтимиз бу жараёнда етакчи илмий-ташкилий марказ мавқеини эгаллаб турибди. Олимларимиз яратган 12 та шоли нави давлат реестрига киритилган. Мустақиллик йилларида яратилган 7 та янги намуна давлат нав синовларига тақдим этилди. Бундан ташқари, яна 5-6 та янги нав шундай синовга топшириш учун тайёрланмоқда.

Куни кеча институтда "Шоли ва дуккакли дон экинлари селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологик тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳамда имкониятлари" мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Бу илмий анжуманда йирик уруғшунос олимлар, халқаро қишлоқ хўжалик ташкилоти – ИКАРДАнинг Ўрта Осиё ва Кавказорти минтақавий ваколатхонаси, Бутунроссия шоличилик илмий-тадқиқот институти вакиллари, мамлакатимиз қишлоқ хўжалик идоралари раҳбарлари, олимлар ва фермерлар иштирок этишди. Анжуман икки кун давом этиб, унинг қатнашчилари шоли ва дуккакли дон экинлари агротехникаси, селекцияси ва уруғчилиги, шолини зараркунандалардан ҳимоя қилиш усулларини такомиллаштириш, экиш муддати, меъёри ва маъдан ўғитларининг айрим навлар ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири, "Парвоз" ва "Нафис" соя навларини экиш муддатлари ва агротехникасига доир маърузаларни тинглашди.

Иштирокчилар тажриба майдонлари билан танишишди. Сўнгра улар уч гуруҳга бўлиниб, шоли, соя ва мошнинг истиқболли навларини яратиш, уларнинг агротехникасини ишлаб чиқиш, ҳосилни қайта ишлаш, бу экинларни касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлардан ҳимоялаш, суғориш тартиб ва меъёри, ер ости ва сизот сувлардан фойдаланишнинг илмий асосларига доир масалаларни муҳокама қилиб, пировардида илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

СЎЗ – ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИГА:

Барно ЭРАЛИЕВА, бош ҳосилот

– Институтимизнинг илмий-элита давлат хўжалигида ҳар йили районлаштирилган 8 та шоли, 4 та соя ва 2 та мош навларининг сараланган уруғлиги тайёрланади. "Истиқлол", "Мустақиллик", "Гулжаҳон", "Искандар", "Истиқбол" ва бошқа янги навлар тажриба далаларимизда экилиб, суғориш тартиби, агротехникаси, зараркунандалардан ҳимоялаш усуллари ишлаб чиқилаётир.

Биз мамлакатимиз фермер хўжаликларига супер элита ва элита уруғликлари етказиб бераяпмиз. Хўжалигимизнинг моддий-техник базаси йил сайин мустаҳкамланиб бораётир. "Петкус-Гигант" дон тозалаш қурилмаси, шолини кўчатлаб экиш бўйича минитехникалар, бошқа машина ва механизмлар олимларимизнинг илмий-амалий ишлари жараёнларини енгиллаштирмоқда.

Маърифат САЙДАҲМЕДОВА, нав яратиш бўлими мудири

– Бўлимимизда таниқли селекциячи олимлар илмий-тадқиқот ва нав яратиш билан муваффақиятли шуғулланишяпти. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном П. А. Пулина, селекциячи С. Рихсиеванинг илмий изланишлари Беруний номидаги давлат мукофоти билан тақдирланди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари районлаштирилган "Аланга" нави бугун катта майдонларга экилмоқда. "Марварид", "Навбаҳор", "Турсунбой", "Ситора", "Мустақиллик", "Истиқлол" ва "Истиқбол" сингари навлар давлат нав синаш комиссиясига топширилиб, айримлари районлаштирилди.

Т. Исоқоқов, Х. Бараев сингари ҳамкасбларим иштирокида янги шоли навини яратиб, эртапишар шоли навлари бўйича иқтидорли мутахассис, устозим Гулжаҳон Беркинованинг исмлари билан атадик. "Гулжаҳон" тезпишар нав. Уни 10 майдан 1 июнгача бўлган қулай муддатларда экиб, 105-110 кунда ҳосилини йиғиштириб олиш мумкин. Сувни ҳам бошқа айрим навлардан анча кам талаб қилади. Шолисидан 85-90 фоиз бутун гуруч олинади. Ҳосилдорлик 80 центнергача етади.

Виктор КОВАЛЁВ, Бутунроссия шоличилик илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари доктори

– Ўзбекистон шоличилик илмий-тадқиқот институтининг селекциячи олимлари олиб бораётган илмий-амалий изланишлардан яхши хабардорман. Ўзбекистон ва Россиянинг икки илмий маркази неча ўн йиллар давомидаги узлуксиз алоқалар билан боғланган. Ҳамкорлигимиз янги навларни яратиш, уларни катта майдонларга экиб, агротехникасини такомиллаштириш, зараркунандаларга қарши курашиш сингари жабҳаларни қамраб олган.

Ўзбекистон шоличилик институти МДҲ мамлакатларида энг кекса, илмий-амалий ишланмаларга ниҳоятда бой, шолининг ўнлаб янги навлари яратилган йирик марказ. Селекциячи олимларнинг янги авлоди илмий-амалий анъаналарни сақлаб қолиб, бойитиб, Ўзбекистон шоличилик институти довруғини оширмоқда.

Ҳозиргина мени кейинги ўн йиллик давомида яратилган янги навлар билан таништиришди. Янги изланишлар бизнинг алоқаларимизни янада кучайтиришига ишончим комил.

Зокир ХОЛИҚУЛОВ, Қурғоқчилик минтақаларида қишлоқ хўжалиги бўйича тадқиқот ўтказиш халқаро маркази (ИКАРДА)нинг Марказий Осиё ва Кавказорти минтақавий ваколатхонаси координатори

– Ташкил этилганидан буён Ўзбекистон шоличилик илмий-тадқиқот институти Марказий Осиё ва Кавказорти республикалари деҳқончилигида шоличиликка ихтисослашган ягона илмий марказ бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ерда олиб борилаётган селекция ишлари, янги агротехника ишланмалари ва зараркунандаларга қарши курашиш усулларининг аҳамияти беқиёс.

Биз яхши биламиз – институт жаҳондаги шоличиликка ихтисослашган кўпгина илмий-тадқиқот ва ўқув юртлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон олимларининг ишланмалари ва янги навлари Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатлар шоликорларига яхши маълум. Шунингдек, бу институт олимларини Хитой, Таиланд, Корея, Филиппин, Япония сингари мамлакатларнинг олимлари, Сув хўжалигини бошқариш халқаро институти – ИВМИ ва бошқа хорижий институтлар ҳамда фирмалар билан узвий алоқалар, ҳамкорликдаги илмий-тадқиқот ишлари боғлаб турибди.

ИКАРДА бундай алоқаларни кенгайтиришга кўмаклашиб, сув тақчиллиги шароитларида шоли етиштириш агротехникаси бўйича ишланмалар, янги камсув навларни яратиш борасидаги изланишларни қўллаб-қувватламоқда. Уларни минтақа мамлакатларига ёйиш, илғор минитехникаларни, янги навларни оммалаштиришга эътибор кучайтирилмоқда.

Илмий-амалий анжуманда муҳим тавсиялар қабул қилинди. Улар шоли ва дуккакли дон экинларини экиш ва парваришлаш агротехникасини янада такомиллаштириш, дала ишларини механизациялаштириш, ҳосилни қайта ишлаш, илғор агротехнологияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, истиқболли янги навларни яратиш ва кенг районлаштириш масалаларини қамраб олган. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳани ривожлантиришга доир кўрсатмалари, Вазирлар Маҳкамасининг республика аҳолисининг гуруч га бўлган талабини барқарор қондиришга доир қарори собитқадам бажарилишининг муҳим шартидир.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

СОҒЛОМ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки йилларидан аҳоли саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бераётир.

Юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари таркибини инсон учун зарур ва фойдали микроэлементлар билан бойитиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Унни фортификация қилиш бўйича миллий дастур доирасида бажарилаётган ишлар шулар жумласидандир. Бу йўналишда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари томонидан бажарилган амалий тадбирлар натижасида, юртимизда унни фойдали микроэлементлар билан бойитиш ва аҳолига етказиб бериш тизими шаклланди. Олимлар ва тадқиқотчилар томонидан бу стратегиянинг самарадорлигини ўрганиш бўйича ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, бойитилган ун ва ундан тайёрланган маҳсулотлар истеъмоли туфайли оналар ва болалар ўртасида камқонлик 5-7 фоизга камайган.

Юртимизда она-бола скрининг тизими тобора такомиллашмоқда. Шундай кузатишлар жараёнида мутахассисларимиз баъзида ҳомилада туғма нуқсон борлигини қайд этади. Бунга турли тиббий-генетик омиллардан ташқари, бўлажак она ҳаёт учун зарур витаминлар ва фолий кислотасини етарли даражада истеъмол қилмаётгани ҳам сабаб бўлиши тадқиқотларда исботланди. Бу муаммони бартараф этишнинг мақбул йўли сифатида аёлларни ҳомиладорлик даврида ана шундай шифобахш препаратлар билан бепул таъминлаш вазифаси белгиланди.

Юртимизнинг қишлоқ туманларида яшайдиган ҳомиладор аёллар учун харид қилинадиган, таркибида фолий кислотаси мавжуд умумий қувватлантирувчи поливитаминлар махсус комплексларини харид қилиш, тақсимлаш ва ажратиш тартиби тўғрисида низом ишлаб чиқилди. Ушбу тиббий воситалар етказиб берилиши лозим бўлган аёллар сони аниқланди.

– Витаминлар ва фолий кислотасини меъёрида истеъмол қилиш саломатлик учун ниҳоятда муҳимдир, – дейди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Дилором Аҳмедова. – Айниқса, ҳомиладорлик даврида бундай микроэлементларга организмнинг физиологик эҳтиёжи янада кучаяди. Ушбу озиқ моддаларни етарлича истеъмол қилиш ҳомиладорлик даврининг асоратсиз ўтиши, ҳомиланинг меъёрида ривожланиши ва ҳар томонлама соғлом бола туғилишини таъминлайди.

ЎзА.

САХОВАТ

Вилоят Қизил Ярим ой жамиятининг шаҳар ва туман кенгашлари мустақилликнинг 19 йиллиги муносабати билан меҳр-оқибат, бағрикенглик каби фазилатларни кенг тарғиб қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий қўллаш мақсадида Чиноздаги ёлғиз кексалар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга коммунал хизмат тўловларига ёрдам кўрсатди.

Жамиятнинг Қибрай туман кенгаши Май қишлоғида яшовчи Жандос Бердикуловга ногиронлик аравачасини топширди. Ангренлик фахрийларни байрам билан табриклаб, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Тошкент тумани халқ таълими бўлимига қарашли 17-умумтаълим мактаби "Меҳр-шафқат" гуруҳи ҳамда Қизил Ярим ой жамияти «Аҳиллик» маҳалласида яшовчи ёлғиз қарияларнинг хонадонларини тартибга келтириб, ҳомийлар совғаларини тарқатди.

Ирода МАҚСУД қизи.

ХХI аср ва ДУНЁ

КАСАИ ДАРЁСИНИНГ КАСОФАТИ

Конго Демократик Республикасининг йўловчи ва ёнилғи ортилган кемасида кучли ёнғин юз бериб, оқибатда у ҳалокатга учради.

Associated Press шу ҳақда тарқатган хабарга кўра, тирик қолган йўловчилар 200 га яқин киши ҳалок бўлганини тахмин қилишмоқда. Аммо, кемада қанча одам бўлгани номаълум. Маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳам йўловчилар рўйхатидан бехабар. Афтидан, фалокат пайтида бу рўйхат ёниб кетган бўлса керак. Омон қолганларнинг айтишича, ёнғин чоғида ўзини сувга отганлардан тахминан 15 га яқин киши қирғоққа чиқиб олишга муваффақ бўлган.

Агентликнинг аниқлашича, Конго дарёсининг ирмоғи бўлган Касаи дарёсида сузиб бораётган кеманинг моторидан ёнғин чиққан. Атрофда қўплаб ёнилғи тўлдирилган идишлар бўлгани учун ёнғин даҳшатли тус олган. Аммо, у бошида нимадан чиққанлиги ҳозирча номаълум. Айтишларича, полиция чўккан кеманинг икки денгизчисини ҳибсга олиб, тергов бошлаган.

БОР...СОЛИҒИМ, КЕЛ СОЛИҒИМ

Буюк Британия ҳукумати 10 миллиондан зиёд кишига улар ортиқча тўлаб келган солиқ пулларини қайтариб беришга мажбур кўринади.

The Daily Telegraph газетасининг ёзишича, солиқ ва йиғимлар бўйича бошқарма ҳисоб-китобда хатога йўл қўйган. Ўтган ҳафтада бошқарма 4,3 миллион инглизлар ўша хато сабабли 1,8 миллиард фунт стерлинглик ортиқча солиқ тўлаганини тан олган эди. Электрон тизимдаги хатолик бунга сабаб бўлган.

Бошқарма эълон қилган кейинги маълумотда яна 5,8 миллион киши илгари ҳам ортиқча солиқ тўлаб келгани айтилади.

Энди ортиқча олинган солиқлар эгаларига қайтарилиши керак. Бироқ, бунинг учун солиқчиларга тўрт йилгача сабр қилишга тўғри келади.

НИГОҲ

...ҚАССОБГА МОЙ ҚАЙҒУСИ

Атроф-муҳитни ифлослантириш ва одамлар саломатлигига зарар етказишни давлат сиёсати даражасига кўтариш – Тожикистон раҳбариятининг бугунги устувор ният ва мақсадига айланган кўринади. Алюмин ишлаб чиқариш яқин атрофдаги аҳоли саломатлиги учун ўта зарарли эканлигини бугун дунё тан олаётган ҳозирги пайтда Душанбенинг "Талко" (Тожикистон алюмин компанияси) жаҳон андозалари талабларига тўла мос келадиган корхона, дея жар солиши одамларнинг ғашига тегадиган қилиқдир.

Шу ўринда жўн бир савол туғилади: "Тожикистон сиёсатдонларининг бу бренди (андозаси) қандай эканки, экологик зарарли ишлаб чиқаришга устуворлик берилиб, ўзини ғурур билан демократия кучли ривожланган давлат дея таърифлаб, нафақат ўз халқи, балки бутун Марказий Осиё минтақаси аҳолиси саломатлиги ва экотизимига зарар етказишни жаҳон андозасига мос одатий ҳолат деб туришса?"

Бугун аниқ-равшан бўлиб қолдики, Тожикистон алюмин заводи қурилиши бошланган 1961 йилда, бу объект экологик вазият ва одамлар соғлигига қандай зарар етказиши лойиҳачиларни мутлақо қизиқтирмаган. У пайтда ўзгача мақсад ва кўламларда фикр юритилган ягона давлат экологик сиёсати бўлмаган, бундай ишлаб чиқариш объектларини лойиҳалаштириш ва фойдаланиш масалалари бўйича тажриба йўқ эди. Натижада 1975 йилда ишга тушган завод санитария-гигиена меъёрларига мутлақо мос келмасди. Мана, 35 йилдирки, Тожикистоннинг фахри-ғурури бўлган корхона минтақа экотизимини издан чиқариб, ўз халқи келажагини барбод этмоқда.

"Тожикистон алюмин компанияси" давлат унитар корхонасида алюмин олиш жараёнида водород фториди, олтингугурт диоксиди ва карбонат ангидрид каби заҳарли моддалар жуда кўп миқдорда ажралиб чиқади. Улар одамларда бронхит, сурункали ўпка шамоллаши, бош айланиши ва оғриши, мигрень, артериал қон босими кучайиши каби хасталикларни келтириб чиқаради. Заҳарли моддалар айниқса оналар ва болалар учун жуда ҳавфли. Шундай корхоналар ишлаб турган ҳудудларда бола ташлаш, туғма ногиронлик ва ўлик туғилиш кўпайиб бораяпти.

Жумладан, алюмин заводига туташ ҳудудларда жуда кўп миқдорда бензапирен тўпланган. Бу кучли канцероген модда онкологик касалликни бир неча баравар кўпайтириб юборади.

Бундан ташқари, минтақадаги табиий шарт-шароит ҳам вазиятни мушкуллаштирмоқда. Мутахассисларнинг ҳаво атмосферасининг ифлосланиш даражасини кузатишлари шуни кўрсатдики, фторли водороднинг атмосфера ҳавосидаги миқдори 1991-2009 йилларда ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйиладиган энг юқори кўрсаткичининг 0,6-2 даражасида бўлган. Тадқиқотлар натижасига қараганда, фторли водороднинг энг кўп тўпланиш даври ёз фаслига тўғри келиб, энг юқори кўрсаткичдан 1,4-4,9 бараварга ошади. Очиқ сув ҳавзаларида сувда эрийдиган алюмин бирикмалари миқдори меъёридан 5 баравар ошганлиги аниқланган.

Шуниси қизиққи, "Талко" раҳбарлари заводнинг экология ва одамлар саломатлигига зарарли таъсирини камайтириб кўрсатиш, ҳатто, яширишга зўр бериб уринмоқдалар. Шу мақсадда одатдаги янги агрегат ўрнатиш жараёнига ҳам байрам тусини бермоқдалар. Барча ускуналар маж-муаси Норвегия, Россия, Италия ва Чехиядан келтириб ўрнатилганига, раҳбарият эса тозалаш иншоотлари алмаштирилганини таъкидлаганларига қарамай, завод атроф-муҳитни ифлослантиришда давом этаяпти. Қўшимча фойда олиш мақсадида заводда кўпинча, ишлаб чиқаришнинг техник меъёрларига амал қилинмай, экология ва инсон саломатлигига катта зарар етказилаяпти.

Чунончи, баҳор-ёз даврида деярли ҳамма қуйиш цехларида ходимларнинг яхши ишлашлари учун ҳаво алмашувини тезлаштириш ва ҳарорат мўътадиллигини таъминлаш мақсадида ойналар очиб қўйилади. Айтиш керакки, эритиш ваннасида ҳарорат минг даражадан ошади. Бундан хулоса шуки, ё корхонадаги ҳаво сўриш ускуналари ишламайди ёки цехларда мўътадил ҳароратни сақлаб туриш ва ҳавони тозалашга сарфланадиган электр қуввати тежалади. Тушунарлики, бундай тежамкорлик шахсан республика раҳбарларининг бойишини кўзлаб қилинади. Негаки, фойданинг асосий қисми давлат хазинасига тушмай, уни четлаб ўтади.

"Талко" шундоқ ҳам турли жиҳатлардан катта зарар келтираётганига қарамай, унинг раҳбарлари ишлаб чиқариш қувватини янада оширишга ҳаракат қилаётганлари кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўлаяпти. Жумладан, Россия технологияси ўрнатилганидан сўнг "Талко" шундоқ ҳам йиллик алюмин ишлаб чиқаришни 120 минг тоннага кўпайтирди.

Аммо, ишлаб чиқариш кўпайгани ҳеч қаерда маълум қилинмайди, керагидан ортиқчаси эса "енг ичида" реализация қилинади. Ахир жаҳон бозорида алюминга талаб барқарор эканлиги инвесторларни тобора кўпроқ ишлаб чиқаришга ундайверади-да.

Бундай ҳолатдан келиб чиқадиган хулоса аниқ. Душанбе вақтинчалик фойдани ўйлаб, ўз очкўзлигини қондириш мақсадида ўз халқи саломатлигини қурбон қилмоқда. Бугунги кунда компания мамлакат валюта тушумининг 75 фоизини таъминлаб турибди. Албатта, бу даромаднинг бир қисмигина бюджетга тушади, қолгани "қора" амалдорларнинг ҳамёнини қаппайтиради.

Инсон саломатлиги ва экологик тараққиёт жамиятнинг устувор мақсадларига, тоза технология ва экотизимга антропоген таъсирни камайтириш масаласи жаҳоннинг асосий брендига айланган бугунги кунда Тожикистоннинг биринчи бренди, жўн қилиб айтганда, аҳмоқона кўринади. Бироқ очиғини айтадиган бўлсак, завод бутун минтақа аҳолиси ҳаётига жиддий хавф солмоқда. Бундай вазиятда ҳамма умид фақат тожик халқидан. У энг тўғри қарорга келиши керак.

Владислав НИКИТИН.
www.geokz.tv

ИСЛОҲОТ

МЕДИАЦИЯНИНГ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, судларнинг мустақиллиги ва масъулиятини, уларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришга қаратилган том маънодаги суд назоратининг янги, ўзига хос тамойили яратилди. Жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Уларнинг бундай ихтисослашуви билан фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий доираси янада кенгайди.

Жаҳон судлов тажрибасига оид яна бир янгилик ҳам мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимига тобора чуқур кириб бормоқда. Бу медиация – низоларни тинч йўл билан, қонунлар асосида судгача ҳал этиш воситасидир. Медиация – ўтган асрнинг ўрталарида АҚШ, Буюк Британия, Австралия каби давлатларнинг ҳуқуқ тизимида вужудга келди. Кейинчалик Германия, Австрия ва Франция давлатларида медиация мезонларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

БМТ тавсия комиссияси Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича Медиация тўғрисидаги Намунавий қонунни ишлаб чиқди.

Европарламент ва Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва савдо ишларида медиациянинг айрим жиҳатлари ҳақидаги Директивага кўра, Европа Иттифоқига аъзо давлатларга 2011 йилнинг 21 майига қадар воситачилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Мамлакатимизда ҳам Ўзбекистон ҳакамлик судлари Ассоциациясининг 2010 йил 23 февралдаги қарори билан медиация процедурасини ўтказиш қоидалари тасдиқланди ҳамда "Медиация тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ва янада такомиллаштириш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ишчи гуруҳига топширилди.

Медиация процедурасининг афзаллиги шундаки, ваколатли судларда ишларни кўришга муайян даражада маблағ, вақт сарфланади. Демак, низони ваколатли суд орқали ёхуд келишув битимини ваколатли суд мажлисида тузиш йўли билан ҳал қилиш усулини медиация мезонлари билан таққосласак, медиация нисбатан самаралироқ эканлиги аён бўлади.

Медиация процедураси суд жараёни, ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши ва ижросини ташкил этишга қараганда камроқ вақт олади. Баъзан низо бир неча даъволардан ташкил топиши ва улар турли ваколатли судларда ёки суд инстанцияларида кўрилишини эътиборга олсак, суд ижро варақалари билан эришадиган натижага қараганда, медиация процедураси ёрдамида тезроқ ҳамда осонроқ натижага эришиш мумкин.

Суд жараёнига кўрсатиладиган юридик хизматлар учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар медиатор гонорарида анча кўп бўлади. Муҳими, суд жараёни якунлангач, медиация жараёнида шерикчилик муносабатларини сақлашга муваффақ бўлинади, тарафлар ҳамкорликни давом эттиради.

Бетараф учинчи шахс – медиатор судья ҳам, ҳакамлик суди судьяси ҳам эмас. Энг муҳими, у қарорлар қабул қилмайди. У ваколатли суддан ёки ҳакамлик судидан айнан шу жиҳати билан фарқланади. Келишмовчиликларни ҳал қилиш тўғрисидаги қарорни тарафлар ўзи қабул қилади. Медиаторнинг вазифаси фақат уларга низонинг ўзаро фойдали ечимини топишга ёрдам беришдан иборат.

Музокараларда тарафлар ҳар доим ҳам ўз нуқтаи назаридан воз кечавермайди ҳамда ўз манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлавермайди. Негаки, баъзи ҳолларда музокара олиб борувчиларда бунинг учун тегишли ваколатлар бўлмайди. Медиатор тарафлар нуқтаи назари билан ишламайди, балки уларнинг асл манфаатларини ўрганади ва шунга мувофиқ низо бўйича иккала тарафни ҳам қаноатлантирадиган ечимни топишга кўмаклашади.

Низоларни судгача ҳал қилиш тартибини такомиллаштириш, тарафларни муросага келтириш чораларини кўриш учун медиация марказларини ташкил этиш ва уларни тартибга солиш нафақат тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий маданиятини оширади, балки ваколатли судларда кўриладиган ишларнинг камайишига олиб келади.

Бунда ҳакамлик судлари фаолиятида ҳам сезиларли ижобий натижалар қўлга киритилиши шубҳасиз.

Суд-ҳуқуқ тизимида янги тажриба – медиациянинг қўлланилиши бу жараёнда фуқароларнинг, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва айниқса, ҳакамлик судларининг фаол иштироки жамиятда адолат қарор топишига ва суд-ҳуқуқ соҳаси ривожланишига ижобий таъсир ўтказади.

Муҳаммадали ЭШНАЗАРОВ, ҳакамлик суди судьяси.

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

ЭЗГУ ТИЛАКЛАРГА ЭШ «ҚИРҚҚИЗ»

Пискент серқуёш ўлкамизнинг кўҳна тарихий ва маданий масканларидан. Бу қадимий воҳа ўз бағрига кўплаб ажабтовур сир-синоатларни яширган. Бу ерлар кўҳна тарих солномаларидан ҳикоя қилувчи ҳайратомуз ёдгорликлар макони. Қулота, Хасти Бузрук, Боғизиён ота, Мингтепа...

Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Бу жойларга жасур саркарда ва буюк шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг муборак қадами етган. Пушти Маҳмуд тарихий жойи шу улуғ аждодимиз номи билан боғлиқ.

Кўҳна воҳада Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган зиёлилар камол топган. Жумладан, ўтган асрда шу воҳада туғилиб ўсган таниқли олима Музайяна Алавиянинг халқ маданияти ривожида тутган ўрни беқиёсдир. Ўн тўққизинчи аср охирида Пискентда рус-тузем мактаби очилди. Биринчи халқ театри ҳам ўтган юз йилликнинг 40-йилларида айнан Пискентда ташкил топди.

Воҳа тарихи билан уйғунлашиб кетган ажойиб бир афсона маҳаллий аҳоли тилидан тушмайди. Олмалиқ ва Пискент йўллари туташадиган ерда ажабтовур қадамжо жой бор. У Қирққиз номи билан машҳур. Бу ердан одамларнинг қадами узилмайди. Улар зиёрат қилиш, дардларига шифо топиш, Яратгандан фарзанд тилаш ва шунчаки, кўнгилга таскин топиш учун келишади.

...Бу воқеага анча бўлган. У пайтлар қуёш ва ой доимо ёнма-ён туриб, заминга тенг нур сочган. Дарахтлар йил бўйи гулларб, мева берган. Ўша вақтларда одамлар кимдир ҳаётдан кўз юмгандагина бу дунёда ғам-андуҳ ҳам борлигини эслашарди. Шу томонларда бир гўзал шаҳар бўлиб, ҳусну тароватини кўз-кўз қилиб турарди. Унинг аҳолиси эркин, озод ва бахтиёр эди. Уларнинг ҳаёти ва меҳнати куй-қўшиқ ва ўйин-кулгу билан уйғунликда кечарди. Шаҳар ҳукмдори одил, марҳаматли ва саховатли эди. Унинг қирқта қизи бўлиб, улар гўзал ва соҳибжамол, очиқ кўнгил ва меҳрибон эдилар. Қирқта содиқ посбонлар мафтункор қизларни туну кун қўриқлашарди.

Бир куни кутилмаганда фалокат юз берди. Даҳшатли саҳройи қабила мўъжаз давлатга уруш очди, қақшатғич жанг бошланди. Шаҳар ҳолдан тойди, озуқа захираси тугаб қолди. Давлат ҳукмдори ва унинг қўриқчилари ҳалок бўлишди.

Қирқ малика саройни тарк этиб, боғ орқали чуқур кўл томон қочдилар. Қирқ қўриқчи улар изини тўсишди. Аммо, тенгсиз жангда улар ҳам ҳалок бўлдилар. Қирқ соҳибжамол баланд жар тепасида чуқур кўлга хомуш, ғамнок бош эгган мажнунтоллар остида турардилар. Қаёққа қочиш мумкин? Оталари, қариндошлари, содиқ соқчилари ҳалок бўлишди. Душман яқин, жуда яқин!

Қизлар сўнгги, ноилож қадамни қўйишга қарор қилишди. Улар бараварига кўл қаърига ўзларини отдилар. Шу заҳотиёқ кўл суви биқирлаб қайнай бошлади. Қирқта фаввора кўкка отилди. Тиниқ, сокин сув бевақт сўнган қирқ навниҳол соҳибжамолларнинг аянчли қисматидан нола чеккандек ва шу билан бирга, уларнинг жасоратига мадҳиялар ўқигандек жилолана бошлади.

Афсонавий ҳукмдорнинг гўзал қизлари ёвуз душманга ўлжа бўлишмади. Босқинчилар кимсасиз қолган шаҳарни талаб ҳам аламларидан чиқолмай, ортларига ғазабнок қайтиб кетдилар.

...Аммо, кўл ҳувиллаб қолмади. У ўз ҳаёти, ўз руҳияти ва кайфияти билан яшамоқда. Тоғ тошлари орасидан сизиб чиққан биллурдек мусаффо кўл сувлари ирмоқларга бирлашди. Шу алфозда қирқта чашма зоҳир бўлди. Кўлнинг ўзида эса, шу вақтгача ҳеч ким кўрмаган мислсиз гўзал қирқта кумушранг балиқ пайдо бўлди. Халқ орасида эса, балиққа айланган қирқ соҳибжамол ҳақида афсона яратилди. Гўё қирқ гўзалнинг кўзёшларида зоҳир бўлган жилғалар қирқта чашмани ҳосил этди. Уларнинг зилол сувлари бамисоли қиз юрагидек гупиллаб уриб, гўё маъсумлик, софлик ва ҳурлик рамзи бўлиб қайнаб турибди.

Бу ерга одамлар энг яхши ният ва тилаклар билан қадам ранжида қилишади. Улар Яратгандан иноят сўраш билан бирга марҳумлар хотирасини илиқ-иссиқ тилаклар билан ёдга олишади. Шуниси диққатга сазоворки, кўпчиликнинг орзу-умидлари рўёбга чиқаяпти: дардлардан халос бўлишаяпти, кечикиб бўлсада, фарзанд кўраётганлар бор.

Аллоҳ марҳамат қилган бу жойларда маҳобатли тоғ, зангори кўл, ўйноқи жилға ва кўм-кўк довдарахтлар бир-бири билан уйғунлашиб кетган. Бу буюк уйғунлик нафаси ердаги ҳар бир тошда, ҳар бир яшил япроқда, қуёш нури жилоланаётган ҳар қатра сувда акс этиб турибди.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
халқаро "Олтин мерос" жамғармаси вилоят бўлими раиси.

ЮЗ БИЛАН ЛАШГАН МОМО

Оҳангарон тумани «Қорахтой» қишлоғи «Ўзбекистон» маҳалласида истиқомат қилувчи Улуғ ая Тўйчиева юртимизнинг узоқ умр кўрган, ҳам табаррук, ҳам бахтиёр момоларидан.

Юз ёш билан юзлашган момо ёшлигидан собиқ Ўзбекистон жамоа хўжалигида ишлаган, шу билан бирга Тошкент канали қурилишида ҳам иштирок этган. Ая тўрт фарзандни – икки ўғил, икки қизни тарбиялаб, вояга етказди. Катта ўғил Адҳам, кичиги Абдурашид механизаторлик касбини эгаллаганлар. Катта қизлари Хурсанд, кичиги Холбиби ҳам оналари қаторида меҳнат қилиб, энди кексалик гаштини суришмоқда.

Аянинг ўн еттита невара, ўттиз иккита чевара, саккизта эваралари унинг издошлари десак, янглишмаймиз. Юртимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги арафасида Улуғ ая "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.

СУРАТДА: аяга Президент совғаси топширилмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ШУНДАН КЕЙИН

ҲАЙВОН КЎРИНИШИДАГИ ШАҲАР

Суданда каркидон ва жирафа шаклидаги шаҳарлар барпо этилади. Ҳукумат вакилларининг сўзларига кўра, бундан мақсад шаҳарлар қурилишини тартибга келтиришдан иборат. Чизмаларга кўра, Жуба шаҳри каркидонсимон кўринишда қайта қурилиб, унинг "оғиз" қисмидан полиция бошқармаси, "қулоғи"дан истироҳат боғлари, "бели"дан саноат зонаси ва "оёқлари"дан тураржой бинолари жой олади. Вау шаҳри эса жирафасимон шаҳарга айлантирилади. Унинг "бўйин" қисмида йирик саноат зонаси жойлашади. Мамлакатда яна ўнта шаҳарни мевалар кўринишида қайта қуриш режалаштирилган. Бунинг учун 10 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилади.

ҲАМЁНБОП КИТОБ

Ҳиндистоннинг EC Media компанияси Harper Collins, Penguin, Roli, Permanent Black каби йирик нашриёт уйлари ва Оксфорд университети нашриёти билан ҳамкорликда Wink электрон китобини яратди. У ўзига икки юз минг китоб матнини сиғдиради. Wink экранининг диагонали олти дюймга тенг. У Wi-Fi, GPRS хизматлари ва клавиатура билан таъминланган. 15 тилни "тушунадиган" бу ускуна батареяси ўқувчи ўн минг саҳифани мутолаа қилгунгача дош бера олади.

КОМПАНИЯНИНГ ХАТОСИ

АҚШнинг "Johnson & Johnson" компанияси 9.0 радиусли 1 Day Acuvue (нарафилкон А) контакт линзаларини сотувдан қайтариб олмоқчи. Боиси, уларни тайёрлаш жараёнида — ювиш чоғида хатога йўл қўйилгани аниқланган. Бу линзаларни таққанлар кўз ачиши ва оғриқ пайдо бўлганидан шикоят қилган.

ЎзА

БУ – ҚИЗИҚ!

ОЙ ҚИСҚАРИБ БОРМОҚДА

Америкалик олимлар ер йўлдошининг қисқариб бораётганини аниқладилар. Астрономлар ойда бўйи 10 метр ва узунлиги бир неча километр келадиган ғалати тоғлар вужудга келганини, ундаги мантия ва ядронинг совиши натижасида ой қисқара бошлаганини пайқаб қолдилар.

Ойдаги ёриқлар натижасида бугунга келиб ер йўлдоши 100 метрга қисқарган. Олимлар ер йўлдошининг йўқолиб кетишини тахмин қилмоқдалар.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ГИМНАСТИКАЧИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Гимнастикачимиз Антон Фокин Исроил очиқ чемпионатида кўпкураш бўйича иккинчи ўринни эгаллади.

Дунёнинг энг кучли гимнастикачилари иштирокида ўтказилган мусобақа спортчилар учун жорий йилнинг октябрь ойида Голландиянинг Роттердам шаҳрида бўладиган спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионатига тайёргарлик босқичи вазифасини ўтади. Ҳамюртимиз Антон Фокин кўпкураш беллашувларидан ташқари, таяниб сакраш, брусь ва ҳалқада машқ бажариш бўйича энг яхши натижа кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллади.

МУАЙТАЙЧИМИЗ КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Пекин шаҳрида спортнинг яккакураш турлари бўйича I Бутунжаҳон жанг санъатлари ўйинлари ўтказилмоқда. Мусобақада дунёнинг олтмишга яқин давлатидан келган минг нафардан зиёд спортчи яккакурашнинг ўн учта тури бўйича ғолиблик учун куч синашмоқда.

Мусобақа дастуридан жой олган муайтай бўйича баҳсларда ҳамюртимиз Фирдавс Холмуродов кумуш медалга сазовор бўлди. Истеъдодли спортчимиз ўз вазн тоифасида аргентиналик Себастян Калво ва швециялик Мартин Ахтарни бир хил – 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, иккинчи ўринни эгаллади.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.

Жаннатмакон юртимизнинг ҳам ширин-шакар, ҳам шифобахш ноз-неъматларидан бири - қовун. У фойдали унсурларга бой. Жумладан, темир моддаси камқон кишилар соғлигини тиклашда алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, қовун кўз нурини равшанлаштириш хусусиятига эга.

ҚОВУН КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ!

Қовундаги пектин моддаси овқат ҳазм қилиш тизими фаолиятини яхшилайди ҳамда танадаги зарарли токсинларни чиқариб ташлайди. Қовундан бир тилим есангиз, кайфиятингиз кўтарилганини сезасиз. У уйқусизликка ҳам энг яхши даво. Чарчоқни тез йўқотади.

Caravan Group компаниясининг ташаббуси билан пойтахтимизда 22 август куни ўз ишини бошлаган қовун кўргазмасида қовунларнинг фойдали хусусияти ҳақида кўп маълумотлар олиш мумкин. Кўргазмага Мирзачўлнинг машҳур полиз неъматидан тортиб, Хоразм ва Фарғона водийсидан ширага бой қовунлар келтирилган. Иштирокчилар вилоятимизда етиштирилган қовунларни татиб кўриб, уларга юқори баҳо беришмоқда.

Кўргазма 15 октябрга қадар давом этади.

Хуршида НАЗАРОВА.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

СОДДАЛИКНИНГ ЧЕГАРАСИ ҚАЕРДА?

Бир акамизнинг оти йўқолди. Далада арқонланган жойидан ўғирлаб кетишди. У ички ишлар идорасига эмас, фолбинга борибди.

– Фолбиннинг айтишича, от топилар экан, – дейди акамиз ишонч билан.

Куз пайти ўғирланган семиз от қази бўлиб кетиши кўпчиликка маълум. Фолга, фолбинга ишониш эса ғирт гумроҳлик. Бу фикрларни акамизга очиқ айтишга истиҳола қилдик. Орадан ойлар ўтди ҳамки, от топилмади.

Фолбинлик қадим китобларда икки номда "арроф" ва "коҳин" деб юритилган. Арроф – йўқолган киши ҳамда нарсаларни топиш, ким олганлигини айтиб бериш, коҳин эса, келгусида бўладиган воқеа-ҳодисаларни олдиндан башорат қилувчи кимса. Иккаласининг маъноси бир – фолбин.

Халқимиз – соддадил, оққўнгил ва ишонувчан. Қаерда бир фолбин чиқибди деб эшитса, қизиқиб қолишади. Эрта тонгдан гала-гала бўлиб, фолбин эшигида соатлаб навбат кутишади. Бу ерда иши юришмай қолган тижоратчини, қизига совчи келмай қолган онани, касалга чалинган беморни ҳам учратиш мумкин.

Бугунги фолбин ҳам замонавийлашиб, ишбилармон бўлиб кетган. Одамларни ром этиш, ўзини реклама қилиш йўлларини яхши билади. Эшигида турнақатор машиналару қатор-қатор одамлар турганлигини кўрсатиш учун атайлаб навбатни чўзади. Буни кўра-била туриб, фолбинга ишонадиган, ундан нажот кутадиган одамлар оз эмас. Шу боис фолбинликнинг тури, кўриниши кўпайиб бормоқда. Қарта, дўмбира, тасбеҳ ёки кафт чизиқларига қараб фол кўришга ўхшаш турлари оммавийлашиб кетган.

Энг ачинарлиси фолбинларнинг ёлғон сўзлари оқибатида қайнонакелин, ака-ука, ота-бола, қариндошлару қўшнилар ўртасида ихтилоф чиқмоқда. Айтайлик, тилла узуги йўқолган қизга фолбин: "Узугингиз узоққа кетмаган, сариқдан келган, сочлари узун, зар рўмол ўрашни яхши кўрадиган бир яқинингиз ўғирлаган", дейди. Ўзбекларда эса, биласиз, оқ-сариқдан келган, сочи узуни кўп. Қиз яқинда тушган кеннойисидан гумон қилади. Оқибатда бир оила бузилиб кетиши ҳеч гап эмас.

Хўш, унда фолбинлар ўзи кимлар, деган ҳақли савол пайдо бўлади. Бунга шундай жавоб бериш жоиз: фолбинлар ҳамма даврларда ҳам инсонлар соддалигидан, ишончидан фойдаланиб, мўмай даромад топиш илинжида бўлган кимсалардир.

Гулноза АБДУНАЗАРОВА.

РАССОМ ХАНДАСИ



– Бўлди, кетдик. Бинони қабул қилиб олишди. Эталарига ҳам иш қолсин-да.

Хусан СОДИҚОВ чизган расм.

Шайхонтоҳур тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2010 йил 2 июнда № 05-08269 рақам билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Жуматов Уразмат (ИНН 601596150) номига берилган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЧП "SEVINCH MED" Зангиатинского района Ташкентской области сообщает о своей реорганизации в форме преобразования в ООО "SEVINCH MED". Тел.: 365-60-06.

Шайхонтоҳур тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2010 йил 17 майда № 09-08270 рақам билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Мухамедсаидов Махмуд Тохировичга (ИНН 450916666) номига берилган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

АТИБ "Ипотекабанк" Меҳнат филиалига тегишли 0038573-575 сонли уч дона бланклар Чилонзор ТЭТ назоратчиси М. Махмудов томонидан йўқотилгани сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юқоридаги бланклар бўйича салбий ҳолатлар аниқланса, маълумот учун телефон: 277-24-52.

Учтепа туманидаги "AZIA AYS" МЧЖ (ИНН 301099761) ўзининг устав фондини 1 269 641 149,0 сўмдан 1 298 421 327,25 сўмга оширганлигини маълум қилади.

В связи с утерей лицензии на право осуществления трудовой деятельности, выданное на иностранного гражданина Турции Гунеш Сулейман,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Лицензия на право привлечения иностранной рабочей силы, выданного на фирму считать недействительной.

Лицензии выданы Агентством по вопросам внешней трудовой Миграции Республики Узбекистан.

Утерянный аттестат 123864, выданный школой № 41 Букинского района Ташкентской области в 2001 году на имя Ноубетов Жандос Мусабековича,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Частная фирма "AVTOPLYUS SERVIS" Яккасарайского района г. Ташкента сообщает о переименовании в ООО "AVTOPLYUS SERVIS".

ООО "ALGORITM-SEMURG`", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Ташкентская область, Зангиатинский район, п. Эшонгузар, ул. Ахунбабаева, 39, (ИНН 206977586, ОКПО 22553126), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя № 1 от 07.09.2010г.).

Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: +998901869031.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туман ҳокимияти Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган "BARQAROR RIVOJLANISH VA INFORMATSION TEXNOLOGIYALAR TA`LIMI" хорижий сармоя иштирокидаги масъулияти чекланган жамияти шаклидаги халқаро ўқув-илмий марказининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "BARQAROR RIVOJLANISH VA INFORMATSION TEXNOLOGIYALAR TA`LIMI" нодавлат таълим муассасасига ўзгариши муносабати билан даъволар 246-65-51 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Общество с ограниченной ответственностью "STARTLE SERVICE" (ООО "STARTLE SERVICE"), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район ул. Кичик халка йули, 59, (ИНН 301085732), согласно решения учредителя № 5/2010 от 06.09.2010г., добровольно ликвидируется.

Справки по телефонам: (99871) 235-72-28, (+99890) 348-77-87.

Общество с ограниченной ответственностью "KREDIT OSIYO" (ООО "KREDIT OSIYO"), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Тарас Шевченко, 31, (ИНН 202535617) объявлено БАНКРОТОМ (решение суда № 10-0907/15378 от 15.03.2010г.).

ООО "TRUST EDUCATION" Яккасарайского района г. Ташкента (ИНН 301292887) сообщает о своей реорганизации в форме преобразования в НОУ "TRUST EDUCATION". Тел.: 701-06-73.

Утерянный план на дом, расположенного по адресу: г. Ташкент, Хамзинский район, ул. Сандикли, дом № 55, выданный БТИ Хамзинского района на имя Данияровой Марьям Тилаволдиевны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянный гос. ордер № 10-02/14879 от 30.05.93г. права собственности на квартиру, выданное на имя Сабирова Сабитхон,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянный план квартиры по адресу: Чиланзар 12-квартал, дом 22, кв. 57, выданный Учтепинским БТИ на имя Кличовой Зебо Палвановны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Общество с ограниченной ответственностью "SPEC STROI INVEST" (ИНН 301134963) Чиланзарского района, сообщает об уменьшении уставного фонда с 200 000 000 сумов до 99 000 000 сум и об изменении адреса: с ул. Гавхар, 16 г. Ташкент на ул. Некрасова, 18 г. Чирчик. Тел.: 333-13-57.

«DOKTOR SHER PLUS» (ИНН 206953363, ОКОНХ 91514) МЧЖ ўз фаолиятини тугатади. Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 17/20 манзилида қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Абулфайз САИДАСҚАРОВ

Навбатчи
Ирода НОРБОЕВА

Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-840. Адади 5759. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.30. 1234